Тошкент оқшоми

2014 ЙИЛ 21 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 78 (12.639)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 69 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 600 000 (олти юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 18 апрель

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимиздаги Ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Ёшлар — келажагимиз

ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мусобақа «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари, Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилиб, барча туманларда ғолибликни қўлга киритган 11 жамоа ўзаро беллашди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ўқувчи-ёшларни Қуролли Кучлар сафига – ҳарбий хизматга ва олий ҳарбий билим юртларига киришга тайёрлаш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилди.

— Чақириққа қадар ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишлари туманимизда намунали тарзда олиб борилмоқда, — дейди Чилонзор тумани Мудофаа ишлари бўлими Чақирувга қадар ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлинмаси бошлиғи Шерзод Ҳикматов. — Чунончи, туманимиздаги таълим муассасаларида чақириққа қадар ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича олиб борилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Буни республика миқёсида ўтказилаётган турли ҳарбий-спорт мусобақаларида тумандаги таълим муассасалари қўлга киритаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 2011 йилда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг республика босқичида иштирок этган тумандаги Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи 3-ўринни эгаллаган. 2012 йилда эса мазкур мусобақанинг республика босқичида Тошкент Давлат техника университети қошидаги 2-сонли академик лицей жамоаси 2-ўринга лойиқ топилган. Бундан ташқари ўтган йили Республика олимпия заҳиралари коллежи чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик ишлари бўйича энг яхши таълим муассасаси кўрик-танловда 3-ўрин соҳиби бўлган.

Иштирокчилар ўз маҳоратлари, билимларини намоён этган ҳолда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, жисмоний тайёргарликларини синовдан ўтказишди. Мусобақа давомида жамоалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг билимдони, сафда юриш тайёргарлиги, сафда қўшиқ билан юриш кўриги, альбом ва вимпеллар кўриги, махсус уст кийим кўриги, мерганлик, тўсиқлар йўлагидан ўтиш, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тайёргарлик ва бошқа шартлар бўйича беллашдилар.

Натижаларга кўра Чилонзор туманидан ЎзМУ қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицей жамоаси биринчи, Ҳамза туманидан Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи жамоаси иккинчи ва Шайхонтоҳур туманидан Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей жамоаси фахрли учинчи ўринларни эгаллашди.

— Мазкур ҳарбий-спорт мусобақада туманимиз шарафини ҳимоя қилдик, — дейди мусобақада 1-ўринни эгаллаган Чилонзор туманидаги ЎзМУ қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицейнинг «Адолат» жамоаси сардори Расул Хакбердиев. — Туманда ғолибликни қўлга киритиб, шаҳар босқичига ҳар томонлама тайёргарлик кўрдик. Тайёргарликларимиз ўз натижасини бериб, республика босқичида иштирок этиш имконини қўлга киритганимиздан беҳад хурсандмиз.

Ғолиб жамоа мусобақанинг республика босқичига йўлланма олди. Мусобақа ғолиб ва совриндорларига ташкилотчилар томонидан диплом, эсдалик совғалари ва кубок топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар берилганидек, 2014 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокамасига ва шу йил 17 январда республика Ҳукуматининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устуворликларини амалга оширишни баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини, бунинг учун энг аввало инвестиция иқлими ва тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш, ишлаб чиқаришларни технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига мавжуд заҳиралар ва имкониятларни сафарбар қилишни таъминлайдиган иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизациялашнинг қабул қилинган стратегиясини амалга ошириш ишларининг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди. Шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини янада ошириш масалалари мажлис иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишида муаммолар ва хавф-хатар мавжудлигига қарамай, 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устуворликларини изчил ва мақсадга йўналтирилган тарзда амалга ошириш туфайли Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялашни янада чуқурлаштириш таъминланаётганлиги қайд этилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга ўсди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга, хизматлар кўрсатиш 11,8 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Саноат тармоқларини ривожлантириш устуворликларини амалга ошириш, шунингдек, ички талабни мувозанатли рағбатлантириш ва ички бозорни рақобатбардошли маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлар билан янада тўлиқроқ тўлдириш чора-тадбирлари истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажми 9,1 фоизга кўпайишига кўмаклашди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида истеъмол маҳсулотлари улуши 2013 йилнинг биринчи чорагидаги 29,5 фоиз ўрнига 34,4 фоизгача кўпайди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бадиий академияси ташаббуси билан уюштирилаётган тасвирий санъат фестивали ўз ишини бошлади.

✓ **БУГУН** Тошкент темир йўл муҳандислари институтида «Миллий қадриятлар — миллат эртаси» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Озиқ-овқат саноати: янги корхоналарни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш — тараққиёт омили» мавзуида анжуман уюштирилади.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Камолот» ЁИҲ марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган «Менинг бизнес ғоям» республика танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 140 нафар битирувчиси ўз бизнес лойиҳа ва ғоялари билан иштирок этди.

● Бухорода умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўртасида «Солиқ билимлари – болаларга!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда куйи босқичларда ғолиб чиққан 48 нафар ўқувчи ўз билимини синовдан ўтказди. Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танлов ўқувчиларнинг солиқ соҳасига оид билимларини янада бойитишга хизмат қилаётир.

● Республика «Ҳунарманд» уюшмаси Наманган вилояти бўлими қошидаги ўқув-ишлаб чиқариш устахонасида тикувчилик, бичувчилик ва дизайнерлик бўйича махсус курсни битирган ўттиз нафар хотин-қизга сертификатлар топширилди.

● Фарғона вилоятида жорий йилда намунавий лойиҳалар асосида 927 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилади. Соғлом бола йилида тумандаги Чекшўра, Илғор, Миндонобод-2 массивларида 399 янги уйлар қурилиши режалаштирилган бўлиб, айни кунларда бунёдкорлик ишлари қизғин паллага кирган.

● Самарқандда ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси мусобақаси ўтказилди. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг маҳоратини ошириш, ёнғин ўчириш воситаларини тезкорлик ва чаққонлик билан қўллаб, фуқароларни ёнғин хавфидан қутқариш, жисмонан соғлом ва чидамли қилиб тарбиялаш мақсадида ўтказилган мусобақада тизимдаги барча бўлинмалар жамоалари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Перу жанубида Убинас вулқонининг уйғониши натижасида хавфли ҳудудлардан тўрт мингга яқин киши эвакуация қилинди.

● Ер курраси билан деярли бир хил ҳажмдаги дастлабки экзо-сайёра кашф этилди ва унда ҳаёт мавжудлиги тахмин қилинмоқда. Ердан беш юз ёруғлик йили узоқликда жойлашган янги планетага «Кеплер» телескопи ёрдамида топилганлиги учун Kepler-86 f номи берилди.

● Хитойнинг Жануби-Ғарбий ҳудудидаги йигирма еттита музофот, жумладан, Гуандун, Хунань ва Сичуань провинцияларида ноқонуний қурол-яроғ савдоси билан шуғулланган жиноятчилар гуруҳи қўлга олинди. Операция чоғида полициячилар томонидан қурол-яроғнинг рекорд даражадаги йирик туркуми топилиб, мусодара этилди.

● Лондон университети коллежи олимлари 2011-2013 йилларда 65 минг киши ўртасида кузатув-тадқиқот ишларини олиб боришди. Натижада сабзавот ҳамда меваларнинг инсон саломатлигига таъсири қай даражада эканлигини аниқлашди. Тадқиқот хулосаларига кўра, кунига еттита ва ундан ортиқ мева ёки сабзавот истеъмол қилиш онкологик ёхуд юрак-қон томир касалликларидан нобуд бўлишни 25-31 фоизга, умуман, ҳар қандай касалликлар орқали ҳаётдан кўз юмишни 42 фоизга камайтираркан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол ўсиб келаётган авлодни вояга етказиш бўйича «Соғлом бола йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни фаол амалга ошириш бошланди. Ушбу тадбирларни молиялаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобига қарийб 1 триллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Мажлиснинг кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида «бизнес билан шуғулланиш» тамойили бўйича ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга йўналтирилган амалий чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишга, ушбу мақсадларда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни жадаллаштиришга, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш кўламларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар фақат жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 7,3 мингта янги субъектларини ташкил этишга кўмаклашганлиги қайд этилди. Ҳисоботларни алоқанинг электрон йўллари бўйича топширишнинг юзма-юз алоқасиз шаклларини фаол жорий этиш натижасида бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботларининг 95 фоизини, статистика ҳисоботларининг 88,6 фоизини электрон шаклда топширмоқда. Божхона юк декларацияларининг 95 фоизга яқини электрон усулда расмийлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган Фармонида назарда тутилган қўшимча дастурий чора-тадбирларни амалда бажариш, шу жумладан, янги имтиёзлар ва преференцияларнинг кенг доираси, ҳар хил лицензия ва рухсат берувчи тартиб-таомилларнинг муддатларини тубдан қисқартириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнесни юритиш, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш борасида навбатдаги муҳим босқич бўлиши алоҳида таъкидланди.

Шу муносабат билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарлари олдига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиб-қоидаларни янада такомиллаштириш бўйича мамлакат Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сон Қарори талаблари сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир аниқ вазифалар қўйилди. Лицензия ва рухсат бериш тартиб-тамойилларининг электрон шаклларига ўтишни жадаллаштириш, шунингдек, уларнинг сонини ва ҳужжатларни бериш муддатларини қисқартириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, шунингдек, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича «йўл хариталари»ни амалга ошириш юзасидан протокол топшириқлари бажарилишининг ҳолати пухта таҳлил қилинди. Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 12,4 фоизга ўсди. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар таркибидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 23,3 фоизгача кўпайди. 510 та янги объект фойдаланишга топширилди, 37 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди. Инвестиция фаоллигининг ўсиши қурилиш-пудрат ишлари ҳажмлари 15,5 фоизга кўпайишига кўмаклашди.

Хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига раҳбарларига янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш, шунингдек, объектларни белгиланган муддатларда ишга тушириш бўйича инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлайдиган комплекс қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Давлат рақобат қўмитасига фойдаланилмаётган ер участкалари ва ишлаб чиқариш майдонларида янги замонавий корхоналар ташкил этиш ва тадбиркорлик субъектларига бериш учун уларни пухта хатловдан ўтказишни таъминлаш топширилди. Шу билан бирга, Молия вазирлигига, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган «йўл хариталари»ни амалга ошириш устидан таъсирчан назоратни таъминлаш топширилди.

Мажлисда маҳсулот экспорти ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, тузилмасини ва сотиш бозорларини диверсификациялаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга қаттиқ эътибор берилди. Жаҳон бозорларида конъюнктура барқарор эмаслигига қарамай, маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва ташқи сотиш бозорларини диверсификациялаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида экспорт ҳажмлари 8,4 фоизга ўсишини таъминлаганлиги алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, мажлис қатнашчилари олдига маҳсулотлар экспорти турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, ташқи бозорларда уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш учун комплекс амалий чора-тадбирлар кўриш вазифаси қўйилди.

Мажлисда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини жадал ривожлантириш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни сифатли ва ўз вақтида қуришни таъминлаш дастурлари бажарилиши ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 63,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Замонавий технологиялар бўйича кенг полосали 150 километр тола-оптик тармоқлар ётқизилди.

Мажлис қатнашчиларининг эътибори жорий йилда қишлоқ турар жой массивларида намунавий лойиҳалар бўйича 11 мингта янги шинам уйларни қуриш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, ушбу массивларда ижтимоий ва бозор инфратузилмасининг замонавий объектларини қуриш ишларини жадаллаштириш зарурлигига қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига республика минтақаларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида қурилиш ишларининг ўсиб бораётган ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда 2014 йилда замонавий қурилиш техникаси билан жиҳозланган 20 та кучли ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларини ташкил этиш учун зарур чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, шунингдек, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларнинг бажарилиши ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган 2014 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури доирасида жорий йилнинг бошидан бошлаб 227,9 мингта янги иш ўринлари, улардан 137 мингтаси ёки 60,3 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилганлиги қайд этилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш мобайнида тасдиқланган мақсадли параметрларга мувофиқ янги иш ўринларини ташкил этиш ва ҳисобга олиш ишларини ташкил этишда камчиликларга йўл қўйган бир қанча туманлар ва шаҳарлар раҳбарларининг фаолияти қаттиқ танқид қилинди. Барча даражалардаги ҳокимликлар, хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари олдига янги иш ўринлари ташкил этиш параметрларига эришишни сўзсиз таъминлаш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлиси кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ва туман прокуратураси ҳамкорлигида «Қонунга итоаткор тадбиркор – қонун ҳимоясида» мавзуида тадбиркорлар билан семинар-учрашув ташкил этилди.

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб бериш ва замонавий тузилмаларни шакллантириш борасида муҳим роль ўйнайди. Улар томонидан яратилаётган янги иш ўринлари аҳоли даромадларини ошириб, халқимиз фаровонлигини таъминлаётир. Шу боис тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда бу борада кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Мутасадди ташкилотлар томонидан тадбиркорларга яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан уларни хабардор этиш, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида кенгроқ маълумотлар бериш ҳамда уларни қийнаётган муаммолар ечимида яқиндан ёрдам кўрсатиш мақсадида кўплаб тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашув ва семинарлар ташкил этилмоқда.

Йиғилиш давомида солиқ қонунчилигидаги янгиликлар, имтиёз ва преференциялар, хўжалик юритувчи субъектларда текширув ўтказиш тартиби, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда бошқа бир қатор масалалар юзасидан батафсил сўз юритилди.

– Кейинги йилларда республикамизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар бериш борасида бир қатор қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилинмоқда, – дейди Шайхонтоҳур туман прокурорининг ўринбосари Забихулла Зиядуллаев. – Бунинг натижасида бизнес юритишга рухсат берадиган 80 дан ортиқ тартиб-тамойиллар қисқартирилди, 15 дан зиёд фаолият турлари лицензия талаб қилинадиган рўйхатдан чиқарилди ва бошқа қатор енгилликлар берилди. Тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай аралашиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган барча қонуний асослар яратилган.

Аммо, қонун талабларини менсимасдан ва мансаб ваколатларидан фойдаланиб, тадбиркорга бюрократик тўсиқлар яратаётган, фаолиятига ноқонуний аралашаётган, асоссиз текширишларни ўтказаётган раҳбарлар ҳам учраб турибди.

Ўтган йили ўтказилган назорат тадбирларида 16 та тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилганлиги, шундан 6 та ҳолатда ортиқча тўлов, ҳисобот ва маълумотлар талаб қилинганлиги, 1 та ҳолатда тадбиркорлар манфаатларини поймол қилувчи қарорлар қабул қилинганлиги ёки ноқонуний равишда мажбуриятлар юкланганлиги аниқланди.

Соҳа вакилларида учрайдиган муаммоларни бартараф этиш мақсадида прокуратура идораларида «1007» рақамли ишонч телефонлари жорий қилинган бўлиб, унга келиб тушган ҳар бир мурожаат алоҳида назоратга олинади ва қонуний ҳал этилади.

Тадбир доирасида кўргазма ташкил этилиб, унда тумандаги тижорат банклари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотлари ҳамда хизматларини ташриф буюрганлар эътиборига ҳавола қилишди.

Абдували СОДИҚОВ

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Мамлакатимизда маънавий меросимизни асраб-авайлаш, интеллектуал мулк ривожи ва муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда истиқлол йилларида аждодлардан мерос бебаҳо маданий ёдгорликлар қайта тикланиб, халқимизга етказилиши билан бир қаторда замондош ижодкорлар, ихтирочилар эркин фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ушбу йўналишда халқаро интеграцияни ҳам изчил йўлга қўйгани муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётир. Мамлакатимизнинг 1991 йилда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлгани бунинг далилидир. Ўзбекистонда 2005 йил 19 апрелдан Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси қоидалари амал қилаётгани бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

– Берн конвенцияси фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳамда уларнинг муаллифлари ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро шартномалардандир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи Зайниддин Ғиёсов. – Конвенцияда бадиий, адабий ва публицистик асарлар, санъат намуналари, фотография ва ҳатто интервьюларнинг муҳофаза қилиниши алоҳида қоидалар билан белгилаб қўйилган. Уларни яратиш ва фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатлар мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжат қоидалари билан тартибга солинади.

Конвенция универсал ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, аъзо давлатларда тўғридан-тўғри ёки унинг қоидаларини соҳага оид миллий қонунчиликда акс эттириш орқали қўлланилади. Конвенциянинг аъзоси бўлган ҳар бир давлат мажбуриятлар, ҳуқуқий имконият ва имтиёзлар бўйича тенг ҳисобланади.

Мамлакатимизда Берн конвенцияси қоидаларига амал қилиш, муаллифлар ва турдош ҳуқуқ эгаларига моддий ва маънавий зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат Республика ишчи комиссияси фаолият юритмоқда.

Ўзбекистоннинг Берн конвенциясига қўшилиши муаллифлар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгаларига катта имкониятлар яратди. Айни пайтда муаллифларимиз асарларидан Берн конвенциясига аъзо 170 га яқин давлат ҳудудида фақат рухсат билан фойдаланилмоқда. Бунинг эвазига уларга тегишли миқдорда муаллифлик ҳақи ундириб берилаяпти. Бу юксак савиядаги миллий асарлар яратиш кўлами кенгайиши ва уларнинг дунё бўйлаб тарқалишига, жаҳон маданиятида ўрни ва ҳиссаси янада ортишига йўл очаётир.

2006 йил янги таҳрирда қабул қилинган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айрим турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилингани муаллифларнинг меҳнатини рағбатлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Чунки шу асосда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати юритилиши йўлга қўйилди.

Мазкур агентлик ваколатларининг кенгайтирилгани, жумладан, унга ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ҳамда бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, интеллектуал мулк объектлари эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклангани соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга замин яратди.

Интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш бўйича ўтган йилда агентликка олти мингдан ортиқ талабнома қабул қилинган. Улар бўйича ўтказилган давлат экспертизаси натижасида тўрт ярим мингдан зиёд интеллектуал мулк объекти давлат рўйхатидан ўтказилган.

Айни пайтда тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш кўлами кенгаймоқда. Чунки бу интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олишни автоматлаштириш ва экспертиза ўтказиш жараёнларини соддалаштиришга ёрдам беради. Бу борада агентлик ҳузурида фаолият юритаётган «Intellekt Expert» давлат унитар корхонаси изчил ишларни амалга ошираётир. 2013 йилда агентлик веб-сайти орқали базавий интерфаол хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилгани шуни тасдиқлайди.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилиш, мамлакатимиз ҳудудига қалбаки товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва айланишига чек қўйиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Зеро, интеллектуал мулк ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг муҳим қисмидир. Шу боис интеллектуал мулк ҳимоясини ривожлантириш, контрафакцияга қарши курашни кучайтириш долзарб вазифалардандир.

Қонунчиликка мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар асардан фақат ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномага биноан ёки тегишли рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда фойдаланиши мумкин. Бундай маҳсулот хориждан олиб келинса, буни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар бўлиши лозим.

– Шунга қарамай, жойларда асарларни мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб кириш, нусха кўчириб сотиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди, – дейди Интеллектуал мулк агентлиги матбуот котиби Гўзал Вафоева. – Айрим ҳолларда эълон қилинган асарлардан муаллиф рухсатисиз фойдаланиш, ҳатто уларни «қайта ишлаш» ёки материалларнинг муаллифини кўрсатмасдан эълон қилиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Кимнингдир мусиқасини «халқ куйи» деб қўшиқ қилиб айтаётган хонандалар учраб турибди.

Булар қонунчиликда ўғриликка тенглаштирилган жиноят ҳисобланади. Негаки, қалбакилаштириладиган маҳсулот ҳеч қаерда рўйхатдан ўтмайди. Оқибатда белгиланган солиқлар ҳам, муаллифга берилиши лозим бўлган ҳақ ҳам тўланмайди. Бундай ҳолатларда, аввало, муаллифлар поймол қилинаётган ҳуқуқларини тиклаш учун тегишли идораларга мурожаат қилиши лозим. Зеро, қонунчилигимизда муаллифлик ҳуқуқини бузаётганлар учун тегишли жазолар белгиланган.

Қонун талаблари бузилиши ҳолатларига қарши курашиш борасида агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бу борада ўтказилган тадбирлар натижасида 2013 йилда етти юздан ортиқ қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Интернет тармоғида жойлашган 134 сайт орқали муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг аудиовизуал асарларидан ноқонуний равишда фойдаланиш ҳолатлари мавжудлиги маълум бўлди. Аниқланган ҳолатлар бўйича ваколатли давлат органларига эксперт хулосалари берилди. Шунга асосан умумий қиймати икки миллиард сўмликка яқин контрафакт маҳсулотлар йўқ қилинди. Бундай чоралар натижасида миллий қадриятларимизга зид бўлган, ёшларимиз маънавий оламига соя солишга қаратилган аудиовизуал асарлар пештахталардан олиб ташланаётгани эътиборга молик.

Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг маънавий ва моддий манфаатларини таъминлаш, интеллектуал мулкни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ТАДБИРЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан жорий йилда сел-тошқин ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларни сел-сув тошқини ва кўчки билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятлардаги табиий офат хавфи мавжуд ҳудудларда яшаётган аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш, инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатиш, дарё ва сойларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ўзанларини тозалаш ишлари учун кечиктириб бўлмайдиган муҳандислик ҳимоя тадбирлари олиб борилиб, юзага келиши мумкин бўлган сув тошқинларининг олди олинаётир.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 февралдаги «Тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиши ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2013 йил 28 февралдаги «2013 йилда сел-тошқинлар ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини ҳимоя қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, «Ўзгидромет» маркази, Геология ва минерал ресурслари Давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари билан ҳамкорликда Тошкент, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг баланд тоғли ҳудудларидаги қор қатламини ва сел оқимлари хавфи мавжуд ҳудудларни ўрганиш бўйича 4 маротаба аэровизуал кузатув ишлари олиб борилди.

– Аҳоли ва ҳудудларни сел ва сув тошқинларидан ҳимоя қилиш селхона ва сел йўллари сел оқимларининг тўлақонли ўтказувчанлик ҳолатига боғлиқ, – дейди Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Аброр Қосимов. – Шу сабабдан республика ҳудудидаги сув омборлари, селхона ва сел йўлларининг сел оқимларини қабул қилиш ва хавф-хатарсиз ўтказиб юборишга тайёрлиги текшириб чиқилди ва бу борада зарур ишлар амалга оширилди.

Баҳор-ёз мавсумида сел оқимлари ва сув тошқинларини талафотсиз ўтказиш, юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида тезкор штаблар ташкил этилган ҳамда улар зарур алоқа ва автотранспорт воситалари билан таъминланган.

Анжуманда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини сел-тошқинлар ҳамда ер кўчки ҳодисаларидан муҳофаза қилиш борасидаги тадбирларнинг изчил давом эттирилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Болалар спорти

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

Жамғармалар фаолиятидан

БАРКАМОЛ АВЛОД ВОЯГА ЕТМОҚДА

Фарзандларимиз келажагимизнинг пойдевори. Чунки ақли расо, маънавияти юксак, жисмонан етук тарзда вояга етган ўғил-қизлар мамлакатимиз тинчлигини, мустақиллигини кўз қорачиғидек асрайдилар. Шу боис ҳам мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши ҳам юқоридаги фикримиз далилидир. Зеро бола соғлом, баркамол бўлса, келажагимизнинг ишончли қўлларда бўлишига ишонамиз. Албатта, фарзандларимизнинг оилада яхши тарбия топиши, мактабда чуқур билим эгаллаши, касб-ҳунар ўрганиши зарур бўлганидек, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши ҳам шартдир. Чунки вояга етаётган ўғил ёки қизнинг жисмонан бақувват бўлмай туриб, маънан етук шахс даражасига кўтарила олмаслиги кундек равшан. Шу туфайли ҳам юртимизда болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммалашишига имкон яратиш мақсадида «кичик олимпиада» номини олган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ушбу нуфузли турнирларда иштирок этиб ғолибликни қўлга киритган ёшларимиз спортнинг кўпгина турлари бўйича қитъа биринчиликларида, Ўзбекистон чемпионати ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда олтин, кумуш, бронза медаллари соҳиби бўлаётганликлари одатий ҳолга айланиб қолди.

Шу ўринда болалар ва қизлар ўртасида спорт турларининг янада оммалашишига катта ҳисса қўшаётган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи катта бўлаётганлигини таъкидлаш лозимдир.

Пойтахтимизда истиқомат қилаётган олти ёшдан 15 ёшгача бўлган 299 минг 311 нафар ўғил-қизларимизнинг 141 мингдан зиёдроғи жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали томонидан шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Аввало ҳар йили жамғармамиз ташаббуси билан шаҳримиздаги спорт мажмуаларида, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида, халқ таълими муассасаларида тез-тез мусобақалар уюштириб турилишини таъкидлаб ўтиш ўринли. Ҳозирги кунда ўғил-қизларимиз спортнинг ўттиздан ортиқ турлари бўйича мунтазам шуғулланишмоқда.

Жамғармамиз фаолият юритаётганидан бери шаҳримиздаги кўплаб спорт мактаблари, халқ таълими муассасалари ҳамда спорт мажмуалари қайта таъмирланиб, замонавий ҳолга келтирилганлиги, янги мажмуалар, стадионлар, спорт заллари бунёд этилганлиги барчага маълум. Ўтган 2013 йилда ҳам бу саъй-ҳаракатлар давом эттирилди. Шаҳримиздаги 5 та мусиқа ва санъат мактаби, 2 та БЎСМ, 1 та очиқ турдаги сузиш ҳавзаси капитал таъмирдан чиқарилди. Бу хайрли ишга 15 миллиард 461 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, шундан 9 миллиард 930 миллион сўми Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилди.

Жорий йилда ҳам бу ишлар давом эттирилиши режалаштирилган. Яъни, шаҳримиздаги 8 та иншоотда қурилиш ишлари амалга оширилади. 6-БЎСМ учун янги спорт мажмуаси, Шайхонтоҳур туманида янги ёпиқ турдаги сузиш ҳавзаси, Республика Олий спорт маҳорат мактаби, 5 та мусиқа ва санъат мактаблари бинолари капитал таъмирланади.

Пойтахтимизда айни кунларда 44 та БЎСМ ҳамда 2 та ихтисослаштирилган давлат футбол мактаб-интернатида 15 ёшгача бўлган ўғил-қизларнинг 25 минг 864 нафари спорт билан мунтазам шуғулланмоқдалар. Профессионал спортчи бўлишга аҳд қилган фарзандларимизнинг 5867 нафарини қизлар ташкил этади.

Ўтган йили халқаро мусобақаларда мамлакатимиз миқёсида 685 нафар болалар ва қизлар юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Республика миқёсидаги турнирларда эса 1358 нафар ҳамшаҳарларимизнинг совриндор бўлганлиги эътиборга молик. Халқаро турнирларда ҳамшаҳарларимизнинг 168 нафари (шуларнинг 68 нафари қизлар) иштирок этиб 190 та медаллар жамланмасига (81 та олтин, 51 та кумуш, 56 та бронза) эга бўлишди. Олтин медалларнинг 38 таси, кумуш медалларнинг 16 таси, бронза медалларнинг 14 тасини қизлар қўлга киритишди. Ўтган йили синхрон сузиш бўйича ўсмирлар ўртасида ҳамшаҳримиз Гулсанам Йўлдошева Осиё чемпиони бўлган бўлса, қўл тўпи бўйича Осиё чемпионатида қатнашган Ўзбекистон ўсмир қизлар терма жамоаси фахрли 4-ўринни эгаллаб, жорий йилда ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Ўсмир қизлар терма жамоамизнинг ютуқларига пойтахтликлар Мадина Калибаева, Мария Васильева, Сабина Никольская, Зуҳра Оллоёровалар муносиб ҳисса қўшишди.

Шаҳримиз спорт мажмуалари ва мактабларида ёшларга 1700 нафар малакали мураббийлар спорт сирларини ўргатиб келишмоқда. Мураббийларнинг 1302 нафари олий маълумотли, бир сўз билан айтганда ўз касбининг усталаридир.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда болалар ва ўсмирлар ўртасида футбол, кураш, баскетбол, сузиш, бадиий гимнастика турларига қизиқиш кучайиб бормоқда. Буни инобатга олган ҳолда жанговар спорт турларига қараганда юқорида номлари келтирилган спорт турларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Азиз ота-оналар, фарзандларингизнинг спорт билан ошно бўлишларига имкон яратинг. Ана шунда улар баркамол ва соғлом бўлиб вояга етади.

Маъмур САИДҚОСИМОВ,
Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали директори

Спорт турлари орасида бокс ёшларни ўзига кўпроқ жалб этади. Сабаби, ушбу спорт тури билан шуғулланиш ёшларда эпчиллигу чаққонлик, жасур ва иродали бўлиш хислатлари ортишида муҳим роль ўйнайди.

Ёш чемпионлар

ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ

Лавҳамиз қаҳрамони Баҳодиржоннинг ҳам ёшлигидан боксга меҳри уйғонди. У улғайиб Руфат Рисқиев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Григорян сингари маҳоратли боксчи бўлишни орзу қилди. Шу боис ҳам жуда ёшлигидан ушбу спорт тури билан шуғулланиб бошлади. Бунда унга Чилонзор туманидаги 8-сонли олимпия заҳиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар бокс мактаби мураббийлари яқиндан ёрдам беришди. Баҳодир ушбу масканда бокс сирларини қунт билан ўрганди. Устозларининг ўгити билан ўз устида тинимсиз ишлаётган Баҳодир учун ниҳоят синовли онлар етиб келди.

Тошкент шаҳрида ўсмирлар ўртасида 2007 йилда бокс бўйича Франк хотирасига бағишланган халқаро турнирда иштирок этган Баҳодир Мирзаахмедов ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, шоҳсупанинг энг юқори пағонасига кўтарилди.

— Ғалабам шарафига мадҳиямиз янграб, мамлакатимиз байроғи кўтарилгандаги қувончимни сўз билан ифодалаб бера олмайман, — дейди бу ҳақда Баҳодир, — бу қувонч мени янада мамнуният билан келгуси мусобақаларга тайёрланишга ундади.

Дарҳақиқат, айнан 2007 йили ёзда Англрен шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида илк марта қатнашган қаҳрамонимиз бронза медаль соҳиби бўлди. Худди шу йили ноябрда Тошкентда халқаро турнир уюштирилди. Баҳодиржон турнирга пухта тайёргарлик кўрганлигини намойиш этиб биринчи ўринни эгаллади.

Тошкентда 2008 йилда Франк хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнир Баҳодирга яна омад келтирди. У энг юқори натижани қайд этиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Бундан уч йил муқаддам Жиззах шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда Баҳодир учинчи ўрин эгаси бўлди. Ўша йили май ойида ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатига саралаш беллашувларида қаҳрамонимизга кумуш медаль насиб этди.

Ўтган йил Баҳодир учун омадли келди дейиш мумкин. Чунки Украинанинг Киев шаҳрида уюштирилган халқаро турнирда у яна ўз вазн тоифасида барчадан маҳоратли эканлигини исботлаб, биринчи ўринни эгаллади.

Жорий йилда ҳам унинг орзулари улкан. Мақсади — Ўзбекистон биринчилигида ҳамда халқаро мусобақаларда фақат совринли ўринларни эгаллаш. Ҳозирда ҳам Баҳодир Чилонзор туманидаги 8-сонли олимпия заҳиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар бокс мактабида ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этмоқда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Шаҳримизда болалар ва ўсмирларнинг жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган бир нечта мажмуалар фаолият юритмоқда.

Спорт мажмуаларида

«ЮЗРАБОД»ГА БИР КЕЛИНГ

Фарзандларимизнинг зукко, доно, эпчил, чаққон ҳамда жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари йўлида спорт мажмуаларида ўз касбининг усталари бўлмиш малакали мураббийлар фаолият олиб боришмоқда.

Чунончи, «Юзрабод» спорт мажмуасида 500 нафардан зиёд 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўғил-қизлар спортнинг олтита тури билан мунтазам шуғулланмоқдалар. Уларга 22 нафар мураббий спортнинг футбол, самбо, баскетбол, сузиш ҳамда кураш турлари бўйича сабоқ беришмоқда. Қувонарлиси, ушбу масканда болалар ва ўсмирларнинг спорт сирларини пухта ўзлаштиришлари учун барча қулайликлар яратилган.

Замонавий русумда келажагимиз ворисларига хизмат кўрсатаётган «Юзрабод» спорт мажмуасига ташриф буюрганлар юқоридаги фикримизга гувоҳ бўлишади. Чунки ушбу масканда профессионал спортчи бўлишга интилаётган кўпгина фарзандларимиз Тошкент шаҳри ва мамлакат миқёсидаги турнирларда совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Аъзам ЁДГОРОВ

СУЗИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНСАНГИЗ

руҳан тетик ва соғлом бўласиз

Спорт турлари орасида сузиш алоҳида ўрин тутади. Сузиш билан шуғулланган инсон энг аввало, руҳан тетик, соғлом, жисмонан бақувват, иродали бўлади.

Тан олиш керак, ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланаётган болалар, ўсмирлар ва қизлар сафи йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Чунки сузиш билан шуғулланган боланинг энг аввало, хотираси ўткир, зеҳнли бўлади. Сузиш асабларни тинчлантиради, болани турли хил касалликларга, хусусан шамоллашга чалинишдан асрайди. Муҳими, боланинг мушаклари ривожланади, нафас йўллари янада яхшиланади.

Камина ҳам спортнинг ушбу турига эрта ҳавас қўйганман, сузиш билан мунтазам шуғулланиб, мамлакат ҳамда халқаро миқёсдаги турнирларда иштирок этганман. Мураббийлик фаолиятим эса 2003 йилдан бошланди. Мазкур йилдан синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоалари ва сув спорти турлари бўйича олий спорт маҳорати мактабида мураббий, шунингдек, 2003-2004 йилларда бош мураббий бўлиб ишладим. 2011 йилдан эса 23-сонли ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабида синхрон сузиш сирларини ёш авлод вакилларига ўргатиб келмоқдаман.

Шу ўринда бир гапни айтиш лозим. Сузиш спортининг турлари кўп. Масалан, эркин сузиш, чалқанча сузиш, баттерфляй усулда ёки турли мосламаларда сузиш турлари бор. Аммо, синхрон сузиш улар орасида спортчидан ўзига хос маҳоратни, иродани, матонатни талаб этади. Бугунги кунда синхрон сузиш билан шуғулланаётган ёшлар нафақат маҳаллий мусобақаларда, балки халқаро турнирларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Чунончи, синхрон сузиш бўйича терма жамоамизнинг Наталья Корайва, Валентина Панова каби аъзолари халқаро турнирларда, Осиё чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлганликлари дилларни қувончга тўлдиради.

Спорт мактабимизда сузиш билан шуғулланадиган ёшлар учун барча шароитлар муҳайё қилинганини таъкидлаш жоиз. Шу боисми, сўнгги уч йил ичида халқаро турнирларда шогирдларимнинг муваффақиятли иштирок этаётгани ва совринли ўринларни қўлга киритаётгани мени янада ғайрат билан ишлашга ундайди.

Шогирдларим Шоҳида Зоҳидова, Юлия Ким, Анастасия Рўзматова, Гулсанам Йўлдошева, Динара Ибрагимова, Мухлиса Хайриддиновалар БААнинг Дубай шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида фахрли 4-ўринни терма жамоа сафида эгаллашди.

Ўтган йили Малайзияда уюштирилган ушбу мамлакат очиқ чемпионатида қатнашган Гулсанам Йўлдошева шоҳсупанинг энг юқори пағонасини забт этди ва олтин медаль билан тақдирланди.

Шогирдларимнинг ютуқлари ҳақида гапирсам гап кўп. Албатта бу ютуқларимизда қизларнинг катта меҳнати, сабот-матонати ётибди.

Алина ПИНКОВЕНАЯ,
23-сонли ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабининг синхрон сузиш бўйича мураббийси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲАР ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИНИНГ ҲУРМАТЛИ ЙЎЛОВЧИЛАРИ!

2014 йилнинг 23 ва 27 апрель кунлари Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспортининг барча турларида (метро, автобус, трамвай, йўналишли таксилар) йўловчилар оқимини комплекс ўрганиш тадбири ўтказилади.

Ушбу тадбирда иштирок этиш учун Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларининг 10 мингдан ортиқ талабалари ва 350 нафар ходимлари жалб этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, йўловчилар оқимини ўрганиш йўловчиларнинг керакли манзилга қисқа вақтларда етиб бориши ва шаҳар йўловчи ташиш транспортида сифатли хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳамда автотранспорт корхоналарининг самарасини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашга имконият яратади.

ЙЎЛОВЧИЛАР ОҚИМИНИ КОМПЛЕКС ЎРГАНИШ ТАРТИБИ:

— биринчидан: Транспорт воситасининг ҳар бир эшигига бириктирилган ҳисобчи-талабалар йўловчилар чиққан бекат рақами ёзилган махсус карточкани йўловчиларга тарқатади.

— иккинчидан: Йўловчи автобусдан тушаётганда махсус карточкани транспорт воситасининг эшигида турган ҳисобчи-талабага топширади. Ҳисобчи-талаба карточкада транспорт воситасидан йўловчи тушган тегишли бекатнинг рақамини белгилайди.

Йўловчи ташиш транспортида кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш мақсадида Сиздан йўловчи ташиш транспортининг барча турларида йўловчилар оқимини комплекс ўрганиш тадбирларида фаол иштирок этишингизни ва йўл ҳақини ўз вақтида тўлашингизни сўраймиз!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога тақроран Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «BMW-316» д/р 11Z5740, 1981 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 26.08.2011й, №15694/21. Бошланғич баҳоси – 5 018 773 сўм. 2. «Москвич-2140» д/р 30Q3517, 1981 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.05.2010й, №7461/21. Бошланғич баҳоси – 472 873 сўм. 3. «Маз-35334» д/р 30B1963, 1982 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 26.08.2011й, №10880/11. Бошланғич баҳоси – 15 832 446 сўм. 4. «ЗАЗ-968» д/р 30I7458, 1986 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 07.12.2010й, №16024/21. Бошланғич баҳоси – 155 340 сўм. 5. «ЗАЗ» д/р 30A3258, 1989 йил и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 15.04.2011й, №5867/21. Бошланғич баҳоси – 450 020 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 14 май куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 12 май куни соат 18:00. Мулклар билан Миробод туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 ҳ/рга тўлашлари шарт. **Изоҳ:** и/ч – ишлаб чиқарилган, д/р – давлат рақами. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома №006231.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Фестиваллар

ҚАДРИЯТ, УРФ-ОДАТЛАР ЁШЛАР ТАЛҚИНИДА

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Экобоғ»да «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси доирасида «Тошкент меҳмондўст шаҳар» мавзуида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбир 2003 йилдан буён ёшлар қалбида миллий ғоя, миллий урф-одат, анъаналарга меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида анъанавий тарзда ўтказиб келинади.

— Миллий урф-одатларимизни ёшлар қалбига чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган лойиҳанинг кенг қўламли эканлигини таъкидлаш жоиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси Азиза Раҳматуллаева. — Бундай лойиҳаларнинг ўтказилиши натижасида ёшларимизнинг маънавиятга, қадриятларга бўлган ҳурмат-эътиборининг ошаётганини кўриш мумкин. Мазкур фестивалда Ҳаракатнинг шаҳар ва туман Кенгашлари ходимлари, таълим муассасалари бошланғич ташкилот етакчилари, иқтидорли ва фаол талабалар иштирок этиб, шаҳримиздаги 11 та туман ташаббуси билан 11 вилоятнинг урф-одатлари, анъаналарини кўрсатиш билан бирга ўзига хос миллий таомларидан иборат дастурхон безатишди. 11 та дошқозонда турли хил вилоятларнинг ошлари тайёрланди.

Иштирокчиларнинг варраклари кўм-кўк осмон узра баланд парвоз қилаётганини кўриб, ёшларимизнинг ҳақиқатан ҳам эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Деворий газеталар, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос миллий таомларидан иборат дастурхонлар барчанинг эътиборига ҳавола этилди. Туманларнинг тақдимотлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

— Боғу далалардаги дарахту майсазорларнинг ям-яшилликка бурканиши, субҳидамда қушларнинг шўх-шодон чуғурлашлари ҳар бир кишининг кўнгил торларини чертиб ўтади, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Робия Рўзиева. — Биз соғинган баҳор юртимиз бўйлаб кезмоқда. Ташкил этилган фестивалда ҳам юртимизнинг урф-одатларга нақадар бойлиги, асрлар оша қадриятларимиз ҳали ҳам ўз қадрини йўқотмаганига гувоҳ бўлдик. Ҳар бир ёш ўзи яшаб турган юртининг урф-одати ва қадриятларини билиши ва қадрлаши лозим. Фестивалда биз Олмазор тумани ёшлари Қашқадарё вилоятининг ўзига хос урф-одатларини акс эттиришга ҳаракат қилдик. Воҳанинг миллий таомлари дастурхонга тортилди, бахшичилик санъати намойиш этилди. Жасур йигитларимиз спортнинг миллий ўйинларидан кураш, арқон тортиш бўйича беллашди.

Боғни айланар эканмиз, бири биридан фарқ қилувчи турли вилоятларнинг урф-одатлари, анъаналари акс этган мўъжазгина дунёга киргандек ҳис қилдик ўзимизни.

Хоразм куй-қўшиқлари жаранглаётган ёшлар давраси эътиборимизни тортди.

— Фестивалда Ҳамза тумани «Камолот» фаоллари билан биргаликда Хоразмнинг миллий таомлари, урф-одатини кўрсатиб бердик, — дейди Ҳамза туманидаги 170-умумтаълим мактабининг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси Малика Болтаева. — «Хоразм ёшлари» жамоаси вилоятнинг никоҳдан олдинги қиз базми бўйича тайёргарлик кўрдик. Урф-одатларни ўрганишда турли хил манбалардан, миллий энциклопедиядан фойдаландик. Ўрганиш жараёнида бой маданий меросга эга халқ эканлигимизга яна бир бора амин бўлдик.

Фестивалда «Узбекнаво» эстрада бирлашмасининг ёш хонандалари ва эл севган санъаткорлар ижросидаги дилбар тароналар йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Зарина РУСТАМОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

Биласизми?

ДУНЁДА НЕЧТА ТИЛДА СЎЗЛАШИЛАДИ?

Дунё халқлари хилма-хил тилларда гаплашишади. Бироқ фан аниқликни яхши кўради. Шу туфайли вақти-вақти билан тилшунослар тиллар сонини ҳисобга оладилар ва ўз маълумотларини эълон қилишади. Рақамлар одатда бир-бирига доимо мос тушавермайди. Чунки у ёки бу тилни ҳамма жойда ҳам бирдек тан олавермайдилар. Натижада ўша тилни рўйхатга киритмай қўйиш ҳоллари учраб туради.

Курраи заминимизда ҳаммаси бўлиб тахминан 5621 та тил ва шева бор бўлиб, ҳозиргача улардан 500 тасигина ўрганилган холос. Ҳар уч тилдан биттасининг ёзуви бўлмай, фақат оғзаки нутқ шаклига эгадир.

Жаҳондаги 1400 та тилнинг йўқолиб кетиш хавфи бор. Дунё тилларидан фақат 40 тасигина оғзаки ва ёзма жиҳатдан мукаммал шаклланиб бўлган деб ҳисобланади. Ўша 40 тилнинг орасида ўзбек тили ҳам бор.

Шунингдек, Ҳимолайда 160 хил тил бор. Африканинг Нигер дарёси ҳавзасида 280 та тил мавжуд бўлса, Янги Гвинеядаги Папуа давлати бу борада мутлоқ чемпион. У ерда жами 3 миллион аҳоли 1010 хилдаги тил ва шевада сўзлашади.

Хитойда инглиз тилида сўзлашувчилар сони Америка Қўшма Штатларидагидан кўпроқ.

РАНГИГА АҲАМИЯТ БЕРИНГ

Агар тухумни совуқ сувда ушласа, уни тозалаш осонроқ. Бу нотўғри хулоса: тухум тозаланиш осонлик даражаси, қайнатилган тухумни совитишга эмас, балки унинг ёшига боғлиқ. Бир ёки икки ҳафталик тухум, осонроқ тозаланади, янги тухумни тозалашда эса, баъзи қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин.

Янги тухумлар ширинроқ бўлади. Аслида ундай эмас. Мутахассислар айтишларича, тухум етилиши учун уч кундан саккиз кунгача бўлган вақт талаб қилинади. Ана ундан кейин эса, унинг мазаси тўлиқ очилади.

«Биотухум»нинг сариғи, оддий тухумникига қараганда сариқроқдир. Бу нотўғри фикр. Тухум сариғининг ранги, товуқ эркин равишда кўкатда юрганига ёки қафасда яшашга мажбур бўлганига боғлиқ эмас. Тухум сариғининг ранги унинг донига боғлиқ. Шунинг учун қафасларда яшайдиган товуқлар емига, тухум сариғининг рангини кучайтирадиган картиноидлар қўшилади, уларни экологик тоза тухумларга қўшиш мутлақо ман этилади.

Олачипор товуқлар жигарранг тухум қўйишади. Ҳар доим ҳам ундай бўлавермайди. Тухум пўсти рангини белгилайдиган фактор, товуқ тури эмас, унинг генларидир. Агар тоза зотли товуқ ҳақида гапирадиган бўлсак, қулоқ солинчаги оқ бўлган товуқлар – оқ, қизил солинчакли товуқлар эса, жигарранг тухум қўйишади. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар бир товуқ, бутун умри давомида бир хил рангда тухум қўяди.

Спорт

«БУНЁДКОР»НИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган футбол мухлислари «Бунёдкор» ҳамда Саудия Арабистонининг «Ал-Фотиҳ» жамоалари ўртасидаги Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг 5-тур учрашувига гувоҳ бўлишди.

Айтиш жоизки, шу кунгача ўтказилган 4 та тур ўйинлари натижаларига кўра «Бунёдкор» жамоаси икки очко жамғарган ва турнир жадвалида аутсайдер командалар сафида бораётган эди. Шу боис ҳам мамлакатимиз чемпионига ғалаба сув ва ҳаводек зарур эди.

Дарҳақиқат, «Бунёдкор» ўйинни ҳужумкор руҳда бошлади. Фақат вазиятлардан Волков шогирдлари ҳадеганда самарали фойдалана олишмади. Шунга қарамай Зотеев 42-дақиқада рақиб дарвозасига гол уриб жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Иккинчи бўлим эса меҳмонларнинг устунлигида бошланди. Натижада тошкентликлар ўз дарвозаларидан иккита тўп ўтказиб юборишди. Шундан сўнг яна ҳамшаҳарларимиз ҳужумкор ўйин намойиш эта бошлашди ва учрашув якунланишига 10 дақиқа қолганда аввалига Шодиев, кейин Раҳматуллаев меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга ола билишди.

«Бунёдкор» ушбу 3:2 ҳисобидаги ғалабадан сўнг очколари сонини 5 тага етказиб, турнир жадвалида учинчи поғонага кўтарилиб олди.

Энди сўнгги турда «Бунёдкор» Қатар пойтахти Дохада «Ал-Жаиш» жамоаси меҳмони бўлади. Агарда ушбу ўйинда тошкентликлар рақибларини икки тўп фарқи билан енга олишса, Осиё чемпионлар лигаси турнирининг кейинги босқичига йўлланмани қўлга киритишади. Демак, ҳали имконият бор.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Мусиқа қалбларни жунбушга келтириб, дилларга ором бахш этувчи гўзал бир санъатдир. Бинобарин, ҳар бир инсон мусиқага ошно бўлар экан, ундан фақат яхшилик ва олижаноб ишларни кутиш мумкин бўлади.

Санъат

МУХЛИСЛАРГА МАНЗУР БЎЛДИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясининг орган залида ўзгача бир кўтаринки руҳда бўлиб ўтган вокал соҳасига бағишланган концерт дастурини томоша қилар эканмиз, дилимиздан юқоридаги фикрлар ўтди.

Концертда Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори Софья Цой талабалари ўз ижро маҳоратларини кўрсатишди. Кеча дастури Ж. Вердининг «Бал-Маскарад» операсидан «Речетатив ва Ренато» арияси, Р. Шуманнинг романси ва Е. Куртиснинг «Йиғлама» романси билан бошланди. Ушбу асарларни 3-босқич талабаси Ян Зяблев маромига етказиб куйлади. Албатта, бу асарлар изидан бирин-кетин ижро этилаётган куйлар томошабинларга жуда манзур бўлди. Концерт давомида П. Чайковский, Р. Глиэр, В.Моцарт, С. Танеев, Ж.Массне каби буюк композиторларнинг машҳур асарлари янгради. Бунда Б. Давронов, У. Назаров, Г. Нурметова, А.Сабиров, А. Муҳаммедова, Халқаро танловлар совриндори, «Ниҳол» мукофоти соҳиби, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязовлар ўзларининг бетакрор овозлари билан томошабинларга руҳий озиқ бахш этишди.

Умида САБУРОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси

«101»

НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда бунёд этилган мажмуалар халқ моддий бойлигига айланди. Савдо-саноат тармоқлари, маданий-маиший бино ва иншоотлар қад ростлаб, аҳолига хизмат кўрсатиш салмоғи даврга мос ва хос тарзда оша борди. Уларни ёнғинлардан асраш юзасидан бошқармамиз томонидан кенг кўламли тадбирлар амалга ошириб келинаяпти.

Қурилиш ва ободонлаштириш жараёнида ёнғин хавфсизлиги қоидалар талаблари ва қурилиш меъёрий қоидалари амалиёти билан боғлиқ масалаларга эътиборнинг кучайтирилиши жойларда ноқонуний қурилишларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан шаҳримизда Тошкент шаҳар архитектура-қурилиш бош бошқармаси мутахассислари иштирокида бунёд этилаётган бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати мониторинг тарзида ўрганиб чиқилди. Қурилиш меъёрлари қоидаталабларига жавоб бермайдиган ҳолатлар аниқланганда уларни таҳлил этиш ҳамда чора кўришга бўлган эътибор кучайтирилиб борилди.

Жумладан, шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида янги қурилаётган масканларга ер ажратиш бўйича тузилган комиссиялар ишида қурилаётган масканнинг турар жой уйлари, жамоат ва саноат корхоналари, ишлаб чиқариш бинолари ҳамда автомобиль йўлларининг орасидаги ёнғинга қарши оралиқ масофаларга тўлиқ жавоб бера олишига алоҳида аҳамият бериб борилди. Шунингдек, ноқонуний қурилган, «Қурилиш меъёрий қоидалари» талабларига жавоб бермайдиган, фаолият кўрсатишга лицензияси бўлмаган масканларни аниқлаш мақсадларида ҳокимликлар ҳузурида махсус гуруҳлар тузилган бўлиб, давлат ёнғин назорати ходимлари улар билан бирга иш олиб боришади. Мазкур гуруҳлар томонидан жорий йилда биргаликда рейд-текшируви ўтказилиб, 20 дан ортиқ ноқонуний қурилмаларни аниқлаб, улар бўйича тегишли чоралар кўрилди. Бу борада ишлар давом эттирилмоқда.

Мирзоҳид НОСИРОВ,
Тошкент шаҳри ИИББ ЁХБ
Меъёрий техник экспертиза бўлими
муҳандиси, кичик сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2-а уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида **«Очиқ эшиклар куни»** ўтказилишини маълум қилади.

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **22 апрелда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли модаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **22 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10 даража илиқ, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 456

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12165 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ